



Алғашқы Еуропалық
Теміржолдан Нормалы Абастырылған

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТИНЧЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ЙЎЛИДАГИ ТРАНСЧЕГАРАВИЙ КЎП ТОМОНЛАМА МУЛОҚОТ



ЛОЙИҲА ҲАҚИДА

Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган **«Марказий Осиёда тинчлик ва бағрикенглик йўлидаги трансчегаравий кўп томонлама мулоқот»** лойиҳаси бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни рағбатлантириш, радикаллашувнинг олдини олиш, зўравонлик экстремизмининг илдизлари ва ўзаро ижобий англашувнинг муҳимлиги тўғрисидаги хабардорликни ошириш, шунингдек, чегараолди ҳудудларида маҳаллий фуқаролик жамияти салоҳиятини ошириш мақсадларида Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги кўп томонлама трансчегаравий мулоқот ва ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган.

Лойиҳа Конрад Аденауэр жамғармаси бошчилигида учта миллий ҳамкорлар: “БИОМ” Экологик ҳаракати (Қирғизистон), “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати (Ўзбекистон) ҳамда “Гендер ва Тараққиёт” жамоат ташкилоти (Тожикистон) билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Амалга ошириш муддати 36 ой, яъни 2020 -2023 йиллар давомида.



ЛОЙИҲАНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ, МИССИЯСИ

Лойиҳанинг асосий миссияси – бағрикенглик, ҳамжиҳатликни рағбатлантириш ва радикаллашувнинг олдини олиш мақсадида Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида кўп томонлама ва трансчегаравий мулоқот ва ҳамкорликка кўмаклашиш.

Лойиҳа мақсади зўравонлик экстремизмининг илдизлари ва ўзаро ижобий ҳамжиҳатликнинг муҳимлиги тўғрисида хабардорликни ошириш, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг чегараолди ҳудудларида ёшлар ва маҳаллий фуқаролик жамияти салоҳиятини ошириш, шунингдек, бағрикенгликни рағбатлантириш, зўравонлик экстремизмининг олдини олиш учун чегараолди ҳудудлардаги жамоатчилик, фуқаролик жамияти ва маҳаллий ҳокимликлар ўртасида ҳамкорликни яхшилаш учун трансчегаравий, секторлараро мулоқотнинг турли форматларини илгари суриш ҳамда институциялаштиришга қаратилган.

Санаб ўтилган вазифаларни самарали бажариш учун 3 та асосий таркибий қисмлардан иборат комплекс ёндашувга асосланган чора-тадбирлар, шу жумладан қуйидаги вазифалар тақлиф этилади:

1-ТАРКИБИЙ ҚИСМ



Таҳлилий тадқиқот ва медиа-стратегия. Радикаллашув сабабларининг потенциал таҳдидларини таҳлил қилиш, ёшларнинг энг заиф гуруҳларини, шу жумладан қизларни аниқлаш, шунингдек, жамиятнинг радикализм ва зўравонлик экстремизми муаммоларига чидамлилигини оширишнинг самарали моделларини излаш. Оммавий ахборот воситалари ва ёшлар билан тушунтириш ишларини олиб бориш, шунингдек, маҳаллий ҳамжамиятнинг тинч ҳаётнинг қадриятлари ва амалиёти тўғрисида хабардорлигини ошириш.

- Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон ёшларининг радикализм ва зўравонлик экстремизми хавфига нисбатан заифлиги ва барқарорлиги омилларини баҳолаш, вазият таҳлилини ўз ичига олган базавий тадқиқот ўтказиш;
- Оммавий ахборот воситалари ва ёшлар учун тадқиқот натижаларини визуализация қилиш ва хариталаш;
- Худудларда аҳил қўшничилик, бағрикенгликни ривожлантириш, тинчлик ўрнатиш ва зўравонлик экстремизми ва чегара муаммоларининг олдини олиш масалалари бўйича миллий ва минтақавий медиа стратегияларни ишлаб чиқиш;
- Зўравонликсиз репортажлар ва низоларнинг олдини олиш бўйича журналистларнинг салоҳиятини ошириш.

2-ТАРКИБИЙ ҚИСМ

Уч мамлакатнинг чегараолди худудларида ўзаро англашувга ва зўравонлик экстремизмининг олдини олишга кўмаклашиш мақсадида фуқаролик жамияти субъектлари, ёшлар ташаббуслари, таълим соҳасидаги манфаатдор томонлар ва маҳаллий ҳокимлик органларининг салоҳиятини ошириш. Ёшлар гуруҳлари ва маҳаллий фуқаролик жамияти ташкилотларининг чегараолди худудларида мулоқотнинг фаол воситачиси бўлиш қобилиятларини ошириш.



- *“Бағрикенглик тўғрисида дарс соатлари” ўқув модулларини ишлаб чиқиш ва ўқитувчилар учун тинчлик ўрнатиш, аҳил қўшничилик ва бағрикенглик бўйича тренинглар ўтказиш;*

- Чегараолди ҳудудларидаги мактабларда норасмий узлуксиз таълим тизимида тинчликни ўрнатиш ва аҳил қўшничилик дастурларини жорий этиш;
- Ўқитувчиларнинг қўшимча тайёргарлигини қўллаб-қувватлаш учун онлайн курс ярати;
- Таълим соҳаси вакиллари учун конференциялар ташкил этиш;
- Ёшлар гуруҳлари ва фуқаролик жамияти ташкилотларини чегараолди ҳудудларда мулоқотнинг фаол воситачиси бўлишга ундаш ва рағбатлантириш;
- Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистон университетларида Дўстлик, Ҳамжиҳатлик ва Бағрикенглик марказларини очиш.




ДЎСТЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК МАРКАЗЛАРИ

Фарғона водийсидаги университетлар ҳузуридаги марказларида базасида трансчегаравий ва соҳалараро мулоқотнинг бўйича яратиладиган турли платформалар ёшларнинг, айниқса, қизларнинг салоҳиятини оширишга, уларни фаол ижтимоий фаолиятга жалб қилишга, ижтимоий бирдамликни чуқурлаштиришга, инсонлар ўртасидаги ижобий алоқаларга, стереотипларга қарши курашишга, учта мамлакат ўртасида ишончни мустаҳкамлаш ва бағрикенглик, яхши қўшничиликни ўрнатишга хизмат қилади.

Марказлар турли хил трансчегаравий ташаббуслар, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва ёшларнинг мунозара платформалари салоҳиятни ошириш бўйича фаолият юритувчи, ўқув ва ахборот материалларини ишлаб чиқувчи “ХАБ” сифатида фаолият олиб боради. Марказлардаги барча тадбирлар бағрикенгликни ривожлантиришга ва кўп маданиятли, гендер-сезувчан, жаҳон мунозалаларига жалб этилган ва барқарор ривожланишга интиладиган ёшлар ҳамжамиятининг шакллантиришга кўмаклашади.

3-ТАРКИБИЙ ҚИСМ



Трансчегарвий мулоқот ва маҳаллий ҳамжамиятлар. Инсонлар ўрта-сидаги алоқаларни чуқурлаштириш, стереотипларга қарши курашиш, ишончни мустаҳкамлаш ва бағрикенгликни рағбатлантириш учун трансчегаравий ва соҳалараро мулоқотнинг турли платформаларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш.

- Фарғона водийсининг 6 та пилот ҳамжамиятларида “Бағрикенгликнинг маҳаллий кун тартиби”ни ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистоннинг маҳаллий ҳокимлик органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари учун тренинглар ўтказиш. Трансчегаравий ёшлар тадбирларини қўллаб-қувватлаш;
- Бағрикенглик бўйича Минтақавий ёшлар форумини ташкил этиш;
- Ёшлар ташаббуслари фестивалини ўткази.



ЛОЙИХАНИНГ МАҚСАДЛИ ГУРУҲЛАРИ:

- Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ёшлари;
- Олий таълим муассасалари;
- Фуқаролик жамияти, журналистлар;
- Маҳаллий ҳокимлик ва Фарғона водийси жамоатчилиги.



www.peace4centralasia.org

Қўшимча маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилларга
муурожаат қилишингиз сўралади:

“Биом” ЭҲ

Қирғизистон, Бишкек ш., Чуй проспекти, 164-а уй, 408/1 комп.

E-mail: biomkg@gmail.com, тел: (+996) 312 311 671

www.biom.kg, www.safe.edu.kg

“Юксалиш” УҲ

Ўзбекистон, Тошкент ш., Ш. Рашидов кўчаси, 16-уй.

E-mail: info@yumh.uz, тел (+998) 712 393 323

www.yumh.uz

“Гендер ва Тараққиёт” ЖТ

Тожикистон, Душанбе ш. Бухоро кўчаси, 50-уй, 21-хонадон.

E-mail: Info@gender.tj, тел (+992) 372 215 651

www.gender.tj